БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРДА ЧЕТ ТИЛДАГИ КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

М.И.Аҳмедова

Мақолада тиббий фаолият учун зарур бўлган чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияга эга шифокорларни тарбиялашда лингвопедагогик ёндашувнинг афзаллиги асосланиб, унинг педагогик ва лингвистик муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: *тиббиёт олий ўқув юрти талабалари, чет тилдаги касбий коммуникатив компетенция, лингвопедагогик ёндашув.*

В статье обоснована предпочтительность лингвопедагогического подхода к воспитанию врача с иноязычной коммуникативной компетентностью, необходимой для медицинской деятельности, а также освещены педагогические и лингвистические проблемы данного подхода.

Ключевые слова: *студент медицинского вуза, иноязычная компетенция, лингвопедагогический подход.*

The article stresses the priority of linguopedagogical approach to the problems of formation of medical personnel with a good command of foreign languages.

Key words*: student medical school, foreign language competence, linguistic-pedagogical approach*

Бугунги кунда жамиятимиз олий таълим муассасалари олдига келажак касбий фаолияти учун пухта назарий билимларга эга, олган билимларини амалиётда самарали қўллай оладиган, амалий кўникмаларини иш фаолияти давомида ижодий татбиқ эта оладиган мутахассис тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Халқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш, кўп тиллилик (полиглоссия) тиббиёт мутахассислари учун ҳам улкан аҳамият касб этмоқда. Замонавий тиббиёт мутахассиси – инглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенцияси шаклланган, илғор хорижий тиббиёт технологияларини пухта эгаллаган, компьютер технологияларидан бемалол фойдалаган ҳолда халқаро муносабатларда фаол иштирок эта оладиган шахсдир.

Бўлажак мутахассисларда инглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш учун тиббиёт соҳасига оид маълумотларни хорижий манбалардан олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2012 йил 10 декабрь) бу соҳада изчил изланишлар олиб бориш имкониятларини янада кенгайтирди [1].

Айнан келажакдаги касбий фаолият таълим мазмуни ва шаклини белгилагани учун ҳам тиббиёт олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш методикасини тубдан ўзгартириш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг инглиз тилини билиш даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, фақат 20% фоиз талабалар кундалик мавзуларда гапира оладилар. Аммо улар ҳам ўз соҳалари бўйича эркин фикр билдира олмайдилар, чунки уларда нутқий кўникмалар талаб даражасида шакллантирилмаган. Мавжуд ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув соатлари миқдорининг камлиги чет тилни тўлиқ ўзлаштириш имконини бермаётгани ҳам чет тил ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларидандир. Шу сабабли тиббиёт олий ўқув юртининг битирувчи талабалари ўз соҳалари бўйича инглиз тилида фикр баён қила олмайдилар.

Ҳозирда чет тилда ўз касб фаолияти доирасида бемалол сўзлаша оладиган, халқаро миқёсда ахборот ва тажриба алмаша оладиган юқори малакали тиббиёт мутахассисларига бўлган талаб юқорилигича қолмоқда.

Бўлажак шифокорнинг чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияси – бу шахснинг интегратив хусусияти бўлиб, чет тил бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малаканинг ҳажми, тиббиёт соҳасидаги мулоқот этикаси билан характерланади ҳамда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида унинг чет тилдаги касбий мулоқот фаолиятини моделлаштириш орқали шаклланади.

Нофилологик олий ўқув юртларининг мутахассис тайёрлаш тизими тез ўзгарадиган халқаро муносабатлар талабларига мос келиши, талабаларда янгиланаётган иқтисодий ва касб соҳа-

лари бўйича ахборот алмашинувлари учун тез мослаша оладиган, касбий мулоқотга доир масалаларни мустақил, ижодий ёндашган ҳолда ҳал этиш хусусиятларини шакллантиришни ўз ичига олиши зарур. Бўлажак шифокорларда чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга эса қуйидагилар асос бўла олади:

- жаҳон тажрибаларини эгаллаган, мураккаб касбий муаммоларни ҳал эта оладиган, юқори малакали тиббиёт мутахассисини тайёрлаш;

- тиббиётнинг тез суръатларда ривожланиши, янги технологиялар ва хориж мутахассислари кашфиётларини Ўзбекистон тиббиётига татбиқ этиш;

- интеркоммуникатив ахборот майдонининг яхлитлиги, педагогик жараённинг яхлит эмаслиги.

- бўлажак шифокорларда чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияларни тиббиёт олий ўқув юртларидаги таълим жараёнида шакллантириш масалалари, педагогик назария ва амалиётда ахборот алмашиш масалаларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Тиббиёт олий ўқув юрти талабаларига касбга йўналтирилган чет тилни ўргатиш самарадорлигини ошириш амалда янги лингвопедагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни талаб этмоқда. Лингвопедагогик ёндашув бўлажак шифокорларда чет тилдаги касбий мулоқот компетенциясини шакллантириш – уларнинг чет тилдаги касбий коммуникатив фаолиятини моделлаштириш орқали муаммони ҳал этишга ёрдам беради.

Тиббиёт олий ўқув юртида талабанинг чет тил ўрганиш жараёнидаги коммуникатив фаолияти – ташкилий-мотивацион, иформацион-процессуал (жараён) ва критериал натижага эришиш компонентларидан ташкил топган тизим бўлиб, шахснинг фаоллик ғояси ва коммуникатив фаолиятининг ижтимоий муҳитидан келиб чиқади. Лингвопедагогик ёндашув тиббий фаолият учун зарур бўлган чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияга эга бўлажак шифокор шахсини шакллантиришнинг педагогик ва лингвистик муаммоларини ҳал этишга қаратилган [6].

Тиббиёт олий ўқув юрти талабаларида чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг ташкилий-мотивацион гуруҳи тамойиллари пропедевтик этапдан (чет тилни ўргатишдан олдин), яъни мутахассислик фанларини ўқитишдан олдин амалга оширилади, чунки тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тили фани асосан 1-2-курсларда ўқитилади. Бу даврда талабаларда мотивация шаклланмагани туфайли юқорида қайд этилган мақсадга эришиш мураккаблашади. Шу сабабли бу этапнинг асосий тамойиллари ўқув мақсадини шакллантиришга, тиббиёт соҳасида инглиз тилининг аҳамиятини англашга, чет тилни ўрганиш фаолиятини онгли равишда ташкил қилишга, шифокор касби мотивларини англашни шакллантириш ва лингвопедагогик ёндашувни амалга оширишга қаратилади [2].

Информацион-процессуал гуруҳ тамойиллари тиббиёт олий ўқув юрти талабаларида чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг базаси ҳисобланади. Бу гуруҳнинг асосий тамойилларига: ўқитишни муаммоли – информацион-коммуникативлилик тамойили асосида ташкил этиш; чет тил мазмунини бўлажак шифокорнинг мутахассислиги контексти билан боғлаш, яъни илмийлик принципи бўлиб, мутахассисликка оид тиббий маълумотларга йўналтирилган бўлади [7].

Критериал натижага эришиш тамойиллари – бу тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг ўқиб ўрганиш фаолиятини ички ва ташқи педагогик омиллар асосида ташкил қилиш ва уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим, кўникма ва малакаларини ўстиришни назарда тутади. Шунингдек, мутахассисликка оид матнларни контекстга боғлашни ҳам кўзда тутади. Бўлажак шифокорларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда томонларнинг ўзаро ҳаракати ва уни тўғрилаб бориш тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияларини шакллантириш бўйича олиб борилган ишлар натижаларига эришиш демакдир. Бу гуруҳнинг асосий тамойиллари назорат ишининг тизимлилиги, тўғрилаш ва натижаларни таҳлил қилишдан иборат бўлиб, улардаги янгилик баҳолашнинг демократик тизимда ташкил этилишидир. Оралиқ назоратларнинг чет тилдаги диалог шаклида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир [3].

Натижаларни таҳлил қилиш – бўлажак шифокорларда чет тилдаги касбий коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни юқори поғоналарга олиб чиқишнинг якунловчи этапи ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган масалалар тиббиёт олий ўқув юртларида дифференциал-узлуксиз ва касбга йўналтирилган инглиз тилини ўргатишни тақозо этмоқда. Бу соҳада ахборот технологияларига асосланган чет тил ўрганиш тизими талабанинг талаффузидаги хатоларни тўғрилаб бориш ва чет тилда гапириш хусусиятларини мустақил ўрганишга асосланганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Республикамиз тиббиёт олий ўқув юртларида инглиз тили ўргатишни касбга йўналтирган

ҳолда ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади [4,5].

Натижанинг кафолатланганлиги кўп жиҳатдан мотивацион омилларга боғлиқ. Агар талабаларда ўрганилаётган касбий матнга нисбатан мотивация ҳосил қилинса, кўзланган таълим мақсадига эришиш кафолатланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» / Халқ сўзи.- 2012.- 11 декабрь

2. Зимняя И. А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня.- 2003.- №5.- С.34 – 42.

3. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси – Т., 2012 .- Б.354-367.

4. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – М: Просвещение, 1978.- Б.58.

5. Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. – М.: Русский язык, 1989.- Б.185-186.

6. Современные языки: Изучение, преподавание, оценка // Общеевропейские компетенции владения иностранным языком. – Страсбург, 1996.

7. Higgins J., Johns T. Computers in Language Learning. Collins ELT, Addison-Wesley, 1984.- p.1-14.

Фарғона давлат университети,
2016 йил 20 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)